



“Тасдиқлайман”
Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Х.Оқбўтаев

2016 йил

Алкоголли маҳсулотлар савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш интерактив-хизмати регламенти

1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорт)

1.1. Интерактив хизмат номи

Алкоголли маҳсулотлар савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил қилиш.

1.2. Интерактив хизмат натижаси

Алкоголли маҳсулотлар савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил қилиш бўйича фуқаролар аризаларини қабул қилиш имконияти яратилади.

1.3. Интерактив хизматни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда хизмат кўрсатиш манзили

*Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида Интерактив хизматлар хаволасида мавжуд.
Веб-сайтдаги хаволаси
http://interaktiv.samarkand.uz/licensing_alcohol*

1.4. Қонуний асоси

1. Алкогол маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини бериш тартиби Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги 605-сонли "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2412-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги № 181-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2412-сонли қарорин амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 358-сонли қарори.

4. Хизмат кўрсатиш жараёни

4.1. Зарурий ҳужжатлар

■ юридик шахснинг номи ва ташкилий ҳукукий шакли, у жойлашган жой (почта манзили), банк муассасаси номи ва банкдаги ҳисоб рақамининг тартиб рақами кўрсатилган ҳолда рухсат гувоҳномаси берилиши тўғрисида ариза;

■ шаҳарларда — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 баравари миқдорида ва қишлоқ жойларда ҳамда чекка тоғли туманларда — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида шакллантирилган устав фонди мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси. Устав фонди пул маблағларида шакллантирилган тақдирда тасдиқловчи ҳужжат хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилади. Устав фонди бошқа мол-мулк билан шакллантирилган тақдирда юридик шахс ушбу мол-мулкка эгаллик ҳукуқи, унинг қиймати ва у устав фондига кўшилганлиги ҳақидаги тасдиқномани тақдим этади;

■ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

■ чакана савдо қилиш ҳукуқи учун маҳаллий йиғим туланганлигини тасдиқлайдиган банк ҳужжатининг нусхаси.

4.2. Хизмат учун тўлов.

Бир ойлик савдо қилиш ҳукуқи учун бир ойлик энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида йиғим тўланади.

4.3. Натижа олиш усуллари

Шаҳсан, почта ва электрон почта орқали.

4.4. Хизмат натижаси

Ишчи орган рухсат гувоҳномасини бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган ҳужжатлар ва ахборотни белгиланган тартибда ахборот соҳасидаги ҳамкорлик воситасида, шу жумладан электрон кўринишида мустақил равишда олади, мазкур хизмат регламентидаги 4.1. бандида назарда тутилган ҳужжатлар бундан мустасно.

а. Юридик шахсдан Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

б. Ҳужжатлар “Ягона дарча” маркази томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги маълум қилинган ҳолда поста алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар “Ягона дарча” марказининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, уларнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда ариза берувчига топширилади (юборилади).

Қонун ҳужжатларида белгиланган тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун юридик шахс-ариза берувчи жавоб беради.

4.5. Рад этиш сабаблари

а. Рухсат гувоҳномасини бериш учун зарур ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаслиги;

б. Буортмачининг алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш учун 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сонли Қарор Низоми талабларига мувофиқ эмаслиги;

в. Тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузилган маълумотлар мавжудлиги.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Юридик шахслар.

1.6. Хизматдан фойдаланишга сўров юбориш муддати.

Кўрсатилаётган интерактив хизмат орқали интерактив тарзда ариза, таклиф ва мулоҳаза юбориш имконияти яратилган.

1.7. Бажарилиш муддати

Давлат хизмати ишчи орган томонидан 5 иш куни бўлган муддатда, вилоят комиссияси томонидан 10 иш куни бўлган муддатда кўрсатилади.

2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумотларни такдим этиш.

2.1. Ахборот таркиби ва хажми

Алкоголли махсулотлар савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар такдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил қилиш.

2.2. Қўшимча ахборот бериш

Алкоголли махсулотлар савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар такдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил қилиш.

2.3. Сўровга асосан бериладиган ахборотлар

Интерактив хизматга кирилганда саҳифанинг пастги қисмида электрон кўринишда мурожаат йўллаш орқали маълумот олиш имконияти яратилган, шунингдек Самарқанд вилояти хокимлигининг расмий веб-сайтига кириб маълумот олиш мумкин.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи

Самарқанд вилояти хокимлигининг расмий веб- сайти орқали маълумотларни олиш мумкин.

2.5. Талаб қилинадиган ҳужжат бланкалари (форма)

Тасдиқланган ариза асосида.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Хизмат веб-сайт орқали 24 соат мобайнида онлайн тартибида тақдим этилиши мумкин.

3.2. Қутиш шартлари

Қутиш шартлари мавжуд эмас.

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Расмий веб-сайтдаги виртуал мурожаат орқали ўз мурожаатларини қўйишлари мумкин.

5.2. Кўрсатилган хизматга оид шикоятлар

Хизматдан норози бўлган шахслар, расмий веб-сайтдаги виртуал мурожаат орқали ўз шикоятларини қолдиришлари мумкин.

**“Келишилган”
Самарқанд вилояти
“Компьютерлаштириш маркази”
директори**


Б.Игамқулов

“ ” 2016 йил